

Эй Язид, сенга ният қилганинг

09:00 / 03.10.2017 2749

Абу Язид Маън ибн Язид ибн Ахнас розияллоҳу анҳумдан ривоят қилинади:

У киши, оталари ва боболари саҳобалардан эди.

Отам Язид садақа қилиш ниятида бир қанча динорларни чиқариб, масжидда бир киши ҳузурига қўйди. “Мен келиб, у динорларни олиб, (отам ҳузурига) келдим. Отам: “Аллоҳга қасамки, мен сенга берилишини ният қилмаган эдим”, дедилар. Бу ҳақда жанжаллашиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига бордик. Шунда у зот: **“Эй Язид, сенга ният қилганинг. Эй Маън, олган нарсаларинг сен учундир”**, дедилар”.

Имом Бухорий ривоятлари.